O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
8 IYUN
SHANBA
№ 72 (26.931)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

САММИТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

7 июнь. Санкт-Петербург. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммити давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда ташкилотни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Сўнг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Томонлар ташкилот доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро алоқалар механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий антитеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

Мазкур маросимдан сўнг президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, ўзаро мулоқотларнинг натижалари, кўрилган масалалар ҳақида сўзлади.

Унда давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. Ислом Каримов табиий хомашё заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергетика тизимини яратиш ва атроф-муҳит муҳофазасига эътиборли муносабатда бўлиш — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини айтди.

Шу билан саммит ниҳоясига етди.

■ (ЎзА)

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» халқаро илмий-назарий анжумани иштирокчиларининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Биз, анжуман иштирокчилари, Ўзбекистон халқи ва унинг Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига кўрсатилган эътибор ва меҳмондўстлик учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Биз — Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари вакилларидан иборат «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро анжуман иштирокчилари — шарқшунос-диншунос ва илоҳиётчи олимларнинг маърузаларини тинглаб, диннинг ҳозирги дунёвий жамиятда тутган ўрнини аниқлаш муҳимлиги ва зарурлигини ҳис этган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

— дин бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим омилларидан бирига айланди;

— диннинг ахлоқий-маърифий аҳамиятини эътироф этган ҳолда уни сиёсийлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди;

— замонавий кўпмиллатли ва кўпдинли жамиятларда фақат демократик-ҳуқуқий давлатгина миллати ва динидан қатъи назар, барча аъзоларига тенг ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаши мумкин.

Анжуманимиз минг йилликлар давомида турли-туман динлар, маданиятлар, тузумлар ўзаро туташган ва ҳамжиҳат бўлиб келган кўҳна Самарқандда, қутлуғ Ўзбекистон заминида ўтди. Азалдан бу юртда ислом, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва унданда қадимийроқ маданиятлар нафақат ёнма-ён турган, балки бир-бирини бойитиб келган. XXI асрда ҳам Ўзбекистонда турли дину эътиқодларнинг ўзаро тотувлиги намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат ва дин муносабатлари борасида бой тарих ва тажрибага эга. Ишончимиз комилки, анжуман иштирокчилари танишиш шарафига муяссар бўлган умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлашувининг тажрибаси мусулмон дунёси мамлакатлари учун намуна бўла олади.

Самарқанд шаҳри, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, 2002 йил 6 июнь

ЯПОНИЯЛИКЛАРНИНГ МИННАТДОРЛИГИ

24-30 май кунлари мамлакатимизда Япония жамоатчилиги вакиллари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши пайтида юртимизга ҳарбий асир сифатида келтирилган ва ўзбек диёрида мангу осойиш топган япон фуқароларининг қариндошларидан иборат дўстлик миссияси меҳмон бўлди.

Ташриф чоғида делегация вакиллари ўзбек диёрида дафн этилган ватандошлари хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликларнинг очилиш маросимларида қатнашди. Тошкент шаҳри, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида, Бухоро ва Андижон ҳамда Фарғона вилоятининг айрим шаҳар ва қишлоқларида очилган ёдгорликларни зиёрат қилар экан, меҳмонлар Ўзбекистон заминида ўзларининг ватандошлари, қариндош-уруғларининг хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган хайрли ишларни кўриб, ҳаяжонга тушганини яширишмади.

Япония делегацияси вакиллари ташриф асносида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Уларда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, маданият масканлари катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром, меҳмондўстлик ва энг муҳими, аждодлари хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан таъсирланган Япония жамоатчилиги вакиллари давлатимиз раҳбарига миннатдорлик мактуби йўллади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Республикангиз ҳудудига келтирилган японияслик асирлар дафн этилган жойларда ёдгорликлар ва ёдгорлик лавҳаларининг очилиши маросимида иштирок этдик. Иккинчи жаҳон урушининг олис йилларида мамлакатингизга келтирилган ва шу ерда дафн этилган боболаримиз, оталаримиз, акаларимиз ва дўстларимиз хотирасига нисбатан Сиз ва халқингиз томонидан кўрсатилган ҳурмат ҳамда эҳтиром учун Ўзбекистон Республикасига дўстлик миссияси билан ташриф буюрган Япония жамоатчилиги вакиллари номидан Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шунингдек, биз бутун ўзбек халқига, шу жумладан вилоят ва шаҳар ҳокимликларига, сайёҳлик идоралари ва ташрифимизга дахлдор барча ташкилотларга Ўзбекистонда бўлган чоғимизда бизга кўрсатилган самимий ва дўстона муносабат учун чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Сизга ва Сизнинг сиймоингизда бутун Ўзбекистон халқига соғлик-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурмат билан,
Япония дўстлик миссияси ва жамоатчилиги вакиллари номидан,

Тахакаши Нобору	**Матсушита Йукико**
Икеда Акиёши	**Азума Йошико**
Паканаши Тсутому	**Кудо Акира**
Азума Митсуаки	**Токудоме Таданоре**
Азума Шизуко	**Киношита Тамотсу**
Каваджи Мутсуо	**Кобайаши Масао**
Каваджи Реико	**Акихиро Йошихиро**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи вазифаларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси «2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» қарор қабул қилди.

Маркетинг тадқиқотлари асосида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда магистратурага ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш бўйича махсус сиртқи бўлимларга қабулни ва мутахассислар тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасалари сони кўпайтирилди.

Умуман олганда ўтган йилга нисбатан қабулнинг миқдорий кўрсаткичлари сезиларли равишда оширилди: булар бакалавриатга 51100, шу жумладан, 19900 давлат грантларини; магистратурага 4500, шу жумладан, 1400 давлат грантларини ташкил этди. Махсус сиртқи бўлимларга қабул 19 та олий таълим муассасасида амалга оширилади ва бу 3000, шу жумладан, 1200 давлат грантларини ташкил этади.

Тиббиёт, ахборот технологиялари, мусиқий таълим ва шу каби соҳаларда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат грантлари ҳисобидан олий маълумот олувчи ёш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида, 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб, талабалар, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда ёш мутахассисларни олган таълимига биноан иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида шартномалар тузиш амалиёти жорий этилади.

Ҳукуматнинг ушбу қарори мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитиш сифатини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Нидерландия экспорт бўйича федерацияси ахборотномасининг сўнгги нашрида Ўзбекистон Республикаси ҳақида «Голландия компаниялари учун Ўзбекистондаги янги имкониятлар» деб номланган маълумотлар чоп этилди. У Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси ва Амстердамдаги Бош консуллиги томонидан тайёрланди.

ГОЛЛАНДИЯ НАШРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Голландия бизнесмен ва ишбилармон доиралари ушбу нашрнинг доимий ўқувчилари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларда мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг турли жабҳаларига чет эл сармояларини жалб этиш ўзбек давлатчилиги иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Унда чет эл сармоясини ётқизиш учун Ўзбекистонда энг қулай сармоявий муҳит яратилгани маълум қилиниши баробарида мамлакатимиз ўзининг улкан бозор салоҳияти билан Голландия компаниялари учун Марказий Осиёдаги ишончли ва истиқболи порлоқ шерик эканлиги қайд этилади.

Нашрда Осиёни Европа билан боғлайдиган, яъни Марказий Осиё орқали ўтадиган тарихий йўлнинг қайта тикланишини кўзда тутадиган лойиҳа ижросида Ўзбекистон ўрни ҳам муносиб баҳосини топган.

Муаллиф Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти хусусида атрофлича тўхталар экан, Голландия ишбилармон доиралари эътиборини мамлакатимиз замини олтин, табиий газ, мис, молибден, вольфрам сингари фойдали қазилмаларга бой эканлиги, у дунёда пахта етиштириш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаши, шунингдек, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноати ривожланган мамлакат эканлигига қаратади.

■ **Ж. ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири Брюссель.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонини бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқарув аппаратининг ходимларнинг чекланган сони 55 нафар бўлган (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси тасдиқлансин.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш:

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ва 20 кун муддатда 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, 2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жадвалини ва дастурлар таркибини тасдиқласин;

ишлаб чиқиладиган дастурларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мазкур қарорда белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни, уларнинг бажарилиши учун масъул ижрочиларни ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини назарда тутсин;

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда кўрсатиб ўтилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосан имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2003 йилдан бошлаб ахборот-компьютер технологиялари соҳасида жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялар ва ютуқларни ёритувчи, албатта Интернет-нусхаси бўлган махсус журнал чиқарилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, шунингдек, электрон тижорат дастурини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларида иштирок этиш;

(Давоми 2-бетда)

ХДП ХАБАРИ

ОЛДИНДА — ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

2002 йилнинг 6 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарасини ошириш вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу мақсадда, жорий йилнинг июль-август ойларида, барча минтақавий — Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида, семинар-кенгашларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Семинарларда Ўзбекистонда парламент ислоҳоти даврида партия тузилмаларининг долзарб вазифалари, ХДП МК IV пленуми қарорларини бажаришнинг бориши ҳақидаги, жумладан, партия раҳбар кадрлари билан ишларни яхшилашга доир, масалаларнинг муҳокама этилиши мўжалланмоқда.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ОЛТИН БОШОҚЛАР ХИРМОН БЎЛИБ УЮЛДИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА БИР ЙЎЛА ИККИ ТУМАН — ҚИЗИРИҚ ВА ЖАРҚЎРҒОН ҒАЛЛАКОРЛАРИ ДАВЛАТ РЕЖАСИНИ 10 ИШ КУНИДА БАЖАРИШДИ

Юртбошимиз Ислом Каримов эришилган катта муваффақият билан ҳар иккала туман меҳнаткашларига табрик йўллади. Табрикни вилоят ҳокими Т. Қодиров ҳар иккала туман меҳнаткашларига ўқиб эшиттирди. Бундай эътибор ва қутловдан нафақат мазкур туманларнинг ғаллакорлари, бутун Сурхон воҳаси деҳқонлари фахр-ифтихор ҳиссини туймоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятларга замин яратди Ер ўз эгасини топди. Экин майдонлари юз фоиз деҳқон-фермерлар ва оилавий пудратчиларга қатъий шартнома асосида бўлиб берилди. Қизириқнинг «катта қулоқ»дан сув олиш анча ноқулай бўлган туман хўжаликларида ҳукуматимиз кўмаги билан Аму-Занг канали йўлида қатор йирик насос станциялари барпо этилди.

— Бу ишларни қилмасак бўлмасди, — дейди туман ҳокими Мамаюсуф Холбоев. — Бош масала — манфаатдорлик ахир. Ўзингиз айтинг, илгари ғаллакор ўзига лоақал бир халта дон олиб қолаолармиди? Йўқ! У ҳосилнинг ҳаммасини қабул пунктига топширишга мажбур эди. Эвазига эса «катта раҳмат» оларди, холос! Мустақиллик йиллари бу тартиб тубдан ўзгарди. Деҳқон энди давлатга ҳам сотади, ўзи ҳам олади. Ҳозир туманимизда жуда кўп деҳқон-фермер хўжаликлари ва оилавий пудрат соҳиблари шартномавий режадан зиёд ғаллани ўзлари олишяпти.

Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик жорий йилда гектарига 50 центнердан ҳам ошади. «Истара», «Кунчиқиш», «Меҳнатобод», Х.Эшонов номли ширкат хўжаликлари деҳқонлари барчага ибрат бўлишди.

...Жарқўрғонлик ғаллакорлар одатда ҳар йили ғалла экини ишларини вилоятда биринчи бўлиб тугаллайдилар. Ўримга ҳам биринчи киришадилар. Бу йил ҳам шундай бўлди: атиги 10 иш кунида режадаги 21 минг 730 тонна дон нест-нобудсиз ўриб-йиғиб олинди. Гектар бошига ўртача ҳосилдорлик туман бўйича ҳозир 60-70 центнерга тўғри келяпти. «Халқобод», Ҳамид Олимжон номли, Норали Боймуродов номли ширкат хўжаликларининг айрим оилавий пудрат ва деҳқон-фермер хўжаликлари жамоалари бу кўрсаткични 100 центнергача етказдилар.

Сурхон ғаллакорлари бу йил ҳар гектар ердан ўтган йилга нисбатан 6-8 центнердан кўп ҳосил етиштиришни, аниқроғи, 383 минг тонна сифатли дон тайёрлашни режа қилганлар. Ангор, Термиз, Шўрчи, Шерабод, Музработ туманларининг ўнлаб хўжаликлари ҳосил чўғини гектар бошига 50-55 центнерга етказдилар. Демак, гап — меҳнатда, меҳнатдан келадиган манфаатдорликда ва ерни ҳақиқий эгаларига берилишида эканлигини воҳа ғаллакорлари мисолида кўриб турибмиз.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш.

Белгиланснки, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун олинган ўз маблағлари, Фан ва технологиялар марказининг, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг кўмагида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон ҳужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлашни босқичма-босқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғида жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгилаб борсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг қўламда ўқитишни таъминласин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда электрон ўқитиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўрганиш, шунингдек, республика ахборот тармоғида лотин алфавитига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация фаолиятига грантларнинг биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ўқув юртлари ва илмий муассасаларга, қишлоқ жойлардаги Интернетдан фойдаланувчиларга имтиёзли тарифлар бўйича хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва операторлар учун мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини уч ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритсинлар.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат алоқа инспекциясини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 2-уйдаги бинолар комплексини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Орипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 6 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда устувор ўринларга чиқмоқда.

Иқтидорли ёшлар иштирокида республикада Интернет-фестиваллар, Интернет-форумлар ўтказиш одат бўлиб қолди, шаҳарлар ва қишлоқларда Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари сони тобора кўпаймоқда, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгаймоқда, уларнинг сервиси янада интеллектуалроқ бўлиб бормоқда.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов 2001 йил май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга, мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифаларни қўйди.

Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширади.

Президент Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушини компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек ахборот ва маълумотлар базаси сақланишини таъминлаш эҳтиёжи ушбу муҳим қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлди.

Дастурда телекоммуникацияларнинг янги объектларини қуриш назарда тутилган. Жумладан, 2005 йилда халқаро каналлар сонини анча кўпайтириш, уларни 100 фоиз рақамлаштириш мўлжалланган, минтақавий даражада қаналлар сони 50 мингтагача кўпаяди ва рақамлаштиришнинг 72 фоизига эришилади. Ахборотни айирбошлашни автоматлаштириш 98 фоизга етади.

Агар бугунги кунда 62 олий ўқув юртидан фақат 40 таси, 531 коллеж ва лицейдан 22 таси Интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлса, 2010 йилда Интернет тармоғига кириб бориш имкониятига эга бўлган мактаблар, лицейлар ва коллежлар сони 10-15 баравар кўпаяди.

Маълумотларни узатиш тармоғи сезиларли даражада ривожланади. Жорий йилнинг охиридаёқ камида 235 та янги маълумотлар узатиш узеллари барпо этилади, 2010 йилда эса Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45 000 тани ташкил этади. Аҳоли орасида фойдаланувчилар сони 55,6 мингтадан 3321 мингтага ўсади ёки оилаларнинг деярли 60 фоизи ушбу жаҳонга машҳур ва ривожланган ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланади. Республиканинг барча аҳоли пунктлари, шунингдек, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учдан икки қисми Интернетга уланади.

Дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, мамлакатимизнинг ўзида компьютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган. Шу муносабат билан компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар, дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилади.

Қабул қилинган ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалаб берилган. Жумладан, Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутахассисликларнинг кенг доираси бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда ва Ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун махсус Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Жорий йилда Кенгашга 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш; давлат бошқарувига электрон технологияларни жорий этиш; электрон тижоратни ривожлантириш бўйича Дастурларни тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди, унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча функциялар юкланди. Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самарадорлиги ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолияти ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради.

ДИҚҚАТ, СЎРОВНОМА!

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, Орол денгизи тақдири, бугунги кунда сувдан фойдаланиш бўйича йўл қўйилаётган қонунсизликлар ва исрофгарчиликлар ҳақида газетамизда танқидий-таҳлилий мақолалар изчил ёритиб келинмоқда. Сув ва сув муаммолари ҳақида газетамизда эълон қилинаётган мақолалар хусусида фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги сўровнома орқали билдириб, таҳририятга юборишингизни сўраймиз.

1. Сиз Глобал Экологик Фонд (GEF) ҳақида маълумотга эгамисиз?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

2. Сиз Орол денгизини қутқариш Халқаро Фонди фаолияти тўғрисида қай даражада хабардорсиз?
А) Яхши хабардорман.
Б) Эшитганман.
В) Хабардор эмасман.

3. Орол денгизи ва сув муаммоларига бағишланган қайси мақола сизда қизиқиш уйғотган? Мақоланинг сарлавҳаси ва эълон қилинган кунини кўрсатинг.
_____
_____
_____
_____

4. Мақоланинг аҳамияти ва таъсирчанлиги қандай? (тагига чизинг)
А) юқори;
Б) ўрта;
В) зерикарли.

5. Ўзингизга ёққан мақолани бошқаларга ҳам ўқиш учун тавсия этдингизми?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

6. Орол муаммоси бўйича газетамизда чоп этилаётган мақолалар сонини етарли деб ҳисоблайсизми?
А) етарли деб ҳисоблайман;
Б) етарли эмас деб ҳисоблайман.

7. Сиз мазкур муаммонинг яна қайси жиҳатларига эътибор қаратишимизни хоҳлайсиз?

Вақт ажратиб ушбу саволларга жавоб қайтарсангиз, хайрли ишга ҳисса қўшган бўласиз.
Холис жавобларингиз учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз!

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ҚАРИЯЛАРНИ КАДРЛАШ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ХДП Урганч шаҳар кенгаши 30 нафар кекса партия фаолларига «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига шу йилнинг иккинчи ярмига бепул обунани ташкил қилди. Обуна харажатларини шаҳар партия кенгаши ўз зиммасига олди.

Наманган шаҳар партия кенгаши ва «Қизил қўприк» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан «Хотира — уйғоқлиги билан гўзал» мавзуида кеча ўтказилди. Унга 100 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар вакиллари таклиф этилиб, дастурхон ёзилди, шоир ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди.

Шу кунларда **Сирғали туман кенгаши** Уйғур маданият маркази билан ҳамкорликда «Қарияларнинг қадрига етган мамлакат» мавзуида У.Носир номли истироҳат боғида учрашув ўтказди. Тадбирда Тошкент шаҳар кенгаши депутати В.Кузеванов туманда Қарияларни қадрлаш йилида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлади. Учрашувда «Оташ» уйғур халқ ансамбли, «Мақом» эстрада гуруҳининг чиқишлари ва уйғур рассомлари кўргазмаси сайил қатнашчиларининг кайфиятини чоғ этди.

Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Ардахшон маҳалласида ХДП Фурқат туман кенгаши томонидан «Кексаларга эҳтиром» мавзуида кеча ўтказилди. Ушбу муносабат билан ёзилган дастурхон атрофида партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар вакиллари мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган эътибор, ёшларнинг имкониятлари, уларнинг жамоат ишларидаги иштироки, сиёсий фаоллигини ошириш ҳақида суҳбат қурдилар.

Тадбир сўнггида ёш санъаткорлар концерт дастури билан учрашув қатнашчиларини хушнуд этдилар.

Сайхунобод туман партия кенгаши «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда «бир пиёла чой» устидаги маданий-маърифий тадбирни ташкил этди. Тадбир иштирокчилари — уруш ва меҳнат фахрийлари, Афғон уруши қатнашчилари — байналмилал жангчиларга эсдалик совғаларини ХДП туман кенгашининг биринчи котиби С.Чинмирзаев топширди. Учрашувда партия фахрийлари — А.Мавлонов, К.Қаршиевларга «Бўстон» санаторийсида соғлиқларини тиклаш учун йўлланмалар топширилди.

Марғилон шаҳридаги педагогика коллежи бошланғич партия ташкилоти ушбу билим юртининг 75 йиллигига бағишланган спорт байрамини ўтказишда асосий ташкилотчи бўлди. Тадбирда коллежда узоқ йиллар мураббийлик қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари, ёшлар вакиллари иштирок этдилар. Ёш спортчиларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Анжуман давомида кексалар ва ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда, шунингдек, 20 нафар, ХДП сафига қабул қилинган, ёшларга партия билетлари топширилди.

Гулистон туман партия кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда «Уч қаҳрамон» ширкатлар хўжалигида истиқомат қилаётган уч нафар қарияга ёрдам кўрсатди. Уларнинг уй юмушларини бажаришда ва томорқаларини тартибга солишда 2-сон мактаб бошланғич партия ташкилоти аъзолари кўмаклашдилар. Кексаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари топширилди.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

Партия Сирдарё туман кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда «Ҳаёт ва ёшлар» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил этди. Унда 300 дан зиёд талаба ва ишчи ёшлар иштирок этдилар. Суҳбат сўнггида ёш санъаткорлар концерт дастурини намойиш этдилар.

Чортоқ туман партия кенгаши қошидаги «Ёшлар клуби» томонидан ўтказилаётган «Жума оқшоми» кўнгилочар дастурида «Осиё» гуруҳи ва хонанда Ф.Турсуновнинг иштироки кечага файз бағишлади. Баҳс ва мунозараларда иштирок этган ёшларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Андижон вилоятидаги шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, сайланма органлари аъзолари мактабларда ўтказилган «Сўнгги қўнғироқ» тантанали тадбирларда иштирок этдилар ва битирувчи ёшларга ўз дил сўзларини изҳор этдилар. Андижон шаҳридаги 29-сон мактабда ўтказилган бундай тадбирда ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Носиров шу мактабнинг 18 ёшга тўлган битирувчиларидан 5 нафарига, ХДП сафига ўтганликлари муносабати билан, партияга аъзолик ҳужжатларини топширди.

ХДП Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида, меҳнат ярмаркаси ўтказилди. 166 нафар вақтинчалик ишламаётган ёшларнинг 63 нафари турли меҳнат жамоаларида ишга жойлашдилар.

«Оила — табиатнинг шоҳ асаридир», деб номланган тадбир **ХДП Косонсой туман кенгаши** ташаббуси билан ўтказилди. Туман ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу мулоқотда ёш оилалар вакиллари қатнашдилар. Унда қаламкаш ва санъаткорларнинг иштироки даврага кўтаринки кайфият бахш этди.

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

МАТЛУБОТЧИЛАР ОРЗУ-НИЯТИ

— Мамлакатимиз аҳолисининг харид қобилияти ўсиб, «Матлуботсавдо» тизими жаҳон савдо талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Шу ўринда бир таклиф бор: Японияда «Эм-Эн-Эс» компаниясининг савдо тизими сотувчисиз, компьютер савдо хизматига бундан бир неча йил аввал ўтган. Харид жараёни мукаммал компьютерлашган. Харидор дўкон пештахтасида турган тайёр маҳсулотнинг тартиб рақамини компьютерда терса бас. Шундан сўнг, у экранда кўрсатилган миқдордаги пулни тўлайди ва керакли молни махсус тасма (лента) орқали олиш имконига эга бўлади. Қанийди, биз ҳам шундай савдо тизимига тезроқ ўтсак, элга, юртга, ҳар қачонгидан яхшироқ, сифатлироқ хизмат қилсак...

Оддий дўкон мудирининг орзу-ҳавасқ бу. Яқин келажак ҳақида орзу бу. Барча матлуботчиларнинг матлаби, маслаги бу. Улар ҳозир ҳам намунали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Биргина ўтган йили аҳолига 1 миллиард 135 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатиб, белгиланган режа 125 фоиз адо этилди.

Республикамиз матлубот савдо тизими мамлакатимиз аҳолисининг тобора ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжларини таъминловчи асосий хизмат турларидан биридир. Бунинг ўта шарафли ва ўта масъулиятли вазифа эканлигини яхши тушунган Фарғона тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоалари билан қишлоқ аҳли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш йўлларини қидирмоқдалар.

Бирлашмага қарашли 2-озиқ-овқат маҳсулотлари дўконидамиз. Дўкон мудири Дилшод Тошматов савдо маданиятининг такомиллашган усуллари ҳақида шундай деди:

■ **М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

Суратларда: *бирлашмага қарашли 2- озиқ-овқат дўкони мудири Дилшод Тошматов харидорга савдо хизмати кўрсатмоқда; дўкон расталарида аҳолига кундалик зарур маҳсулотларнинг барча тури муҳайё.*

ЯДРО ҚУРОЛИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ ИШЛАТМАЙДИ

АҚШ давлат котиби ўринбосари Ричард Армитежнинг Покистон Президенти Парвез Машарраф билан ҳамда мамлакат ташқи ишлар вазири Абдул Саттор билан учрашуви якунлари шундан далолат бермоқдаки, Покистон ҳарбийлари Ҳиндистонга биринчи бўлиб ядро зарбасини бериш ниятида эмаслар. Парвез Мушаррафнинг тинчликка интилиши ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмасликка замин яратади, дея таъкидлади Армитеж. Учрашувларда асосий эътибор Ҳиндистон — Покистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш масалаларига қаратилди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАКЛИФИГА КЎРА

Россия Президенти Владимир Путин таклифига кўра, Украина Президенти Леонид Кучма 9 июль куни Санкт-Петербургга ташриф буюради. Россия президентининг матбуот котиби Алексей Громовнинг хабар беришича, ташриф 10 июнгача давом этади.

РАСМИЙ АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжуннинг кенжа ўғлига расмий айблов эълон қилинди. У пора олганликда ва даромадни соликдан яширганликда айбланмоқда.

Гап шундаки, 38 ёшли Ким Хон Гол 2,9 миллион АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбланиб шу йилнинг 18 май куни қамоққа олинган эди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларининг Сеул прокуратураси манбаларига таяниб берган хабарларида ёзилишича, Ким Хон Гол нуфузли тадбиркор Чхве Гю Сонадан 1,85 миллион доллар олганлигини эътироф этган. Чхве президент ўғлига шундай совға қилганки, эвазига «Tiger Pools Korea» спорт лотерея ўйинини ўтказиш учун лицензияга эга бўлган.

Агар Ким Хон Голга қўйилган айблар ўз тасдиғини топса, у 5 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

МАМЛАКАТДАН ЧИҚИШИ ТАҚИҚЛАНДИ

Филиппин суди порахўрлик ва ёлғон гувоҳлик беришда айбланаётган мамлакатнинг собиқ президенти Жозеф Эстраданинг мамлакатдан четга чиқишини тақиқлаб қўйди.

Гап шундаки, Эстраданинг адвокатлари собиқ президент артрит билан оғриётганлиги боис уни Америка клиникаларида даволатиб келиш борасида судга мурожаат этишган эди. Бироқ суд бунга рухсат бермади, чунки Эстрада даволаниб бўлгач, АҚШдан Филиппинга қайтмаслиги мумкин, демоқда.

РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ҚЎНИШ

Мексикадан Италияга қараб халқаро рейсда учаётган 307 кишилик йўловчи самолёти Бостон шаҳрига режадан ташқари қўнишга мажбур бўлди. Сабаби: маст йўловчи самолёт бортида одамлар билан муштлашиб кетган. Американинг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолётлар йўловчи самолётни Бостон аэропортигача кузатиб қўйди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган манбаларда.

ЧИЛИДА ЁМҒИРЛИ КУНЛАР

Чилида бир неча кундан бери шаррос қуйган ёмғир сабабли сув тошқини юз берди. Натижада 9 киши оламдан ўтди. 50 минг киши бошпанасиз қолди.

Чили Президенти Рикардо Лагос телевидение орқали мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, уларни эҳтиёткорликка чақирди. «Олдинда ҳали яна оғир кунлар турибди. Об-ҳавони кузатиш марказининг хабарига қараганда, ёмғирли кунлар ҳалибери тугамайди, ҳафта охирига бориб ёмғир тўхташи мумкин», деди у.

Аниқланишича, мамлакат пойтахти Сантьягода 3 кун ичида бир ойлик ёмғир ёққан. Ҳозир телефон алоқаси, электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан. Уй ертўлалари сувга тўлган.

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР, ЧИРОЙЛИ ГОЛЛАР

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN SEOUL

Жаҳон футбол чемпионатининг дастлабки босқич ўйинлари қизғин давом этмоқда. Гуруҳларда бошланган иккинчи тур ўйинлари ўзининг янада ҳужумкорлиги, голларга бойлиги билан мухлисларга завқ бағишламоқда. Хусусан, «А» гуруҳидаги Дания — Сенегал ўйинида дарвозаларга бор-йўғи биттадан тўп киритилган бўлса-да, 90 дақиқа мобайнида кураш кескин бўлди. Танаффусгача ҳакам Сенегал ўйинчиларини жазолаб, 11 метрли пенальти белгилади. Ҳисобни Томассон очди. Шундан сўнг ташаббус иккала жамоа учун ғалаба билан баробар эди, десак муболаға бўлмас. Боиси, шу гуруҳдаги Франция — Уругвай ўйинида дарвозалар дахлсиз қолган. Дания ва Сенегал жамоалари эса тўрттадан очко билан гурухда етакчилик қилишмоқда.

Сенегал футболчиларининг ажойиб ғалабаси шарафига Сенегал президенти фармонига кўра мамлакатда бронзадан футболчи ҳайкали ўрнатиладиган бўлди. Яна бир гап. Бразилиялик машҳур футболчи Ривалдо ўйин пайтида ёлғондан йиқилгани учун ҳакам томонидан жаримага тортилди, яъни тўлалигича данияликлар томонига ўтиши кутилганди. Аммо африкалик футболчилар дастлабки ўйинда чемпионларни тасодифан ютишмаганлигини яна бир карра намойиш этишди. Ўйиннинг 52-дақиқасида Салиф Диао ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Бу натижа ҳар унга 11,5 минг франк (7300 АҚШ доллари) миқдорида жарима белгиланди.

Камерун — Саудия Арабистони учрашувида ҳам африкаликлар бўш келишмади. Камерун футболчилари 1:0 ҳисобида зафар қучдилар. Қисқаси, «Е» гуруҳида Германия ва Камерун жамоалари тўрттадан очко билан олдинда боришмоқда.

Саралаш учрашувларида Испания футболчиларининг омади келди. Улар ўз гуруҳларида Словения ва Парагвай жамоаларини бир хил (3:1) ҳисобида ютиб, 6 очко билан иккинчи босқичга йўлланмани деярли нақд қилиб қўйишди. «F» гуруҳида иккита учрашув ўтказилди. Швеция — Нигерия ўйини 2:1 ҳисобида тугади. Аргентина — Англия учрашувининг 44-дақиқасида белгиланган 11 метрли жарима тўпи ўйин тақдирини ҳал қилди. Инглиз футболчилари бу ғалабадан кейин Швеция терма жамоаси каби очколарини тўрттага етказиб олишди.

Бугун эса мухлислар ЖАР — Словения, Италия — Хорватия, Бразилия — Хитой учрашувларини томоша қиладилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ОМОНОВ**

ПОЕЗДЛАР РЕЛЬСДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

Шимолий Ирландияда йўловчи поезд ўз рельсидан чиқиб кетди. Натижада 20 киши турли даражада жароҳатланди. Поезд Белфастдан Лондондеррига кетаётган эди. Шунингдек, Бразилияда ҳам бир неча минг тонна қум ортилган юк поезди рельсдан чиқиб кетиши оқибатида 24 вагондан иборат эшелоннинг 6 вагони ағдарилиб кетди. Ачинарлиси шуки, жадвал бўйича бу йўлдан йўловчи поезди ҳам ўтиши керак эди. Яхшиям у тўхтатиб қолинди. Йўловчилар эса манзилларига автобусларда етказилди.

БОЛАЛАР ФОЙДАЛАНМАЙДИГАН БЎЛДИ

Бангладеш ҳукумати 16 ёшгача бўлган болаларнинг мобил телефонларидан фойдаланишини тақиқлаб қўйди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги вакилининг фикрича, мазкур тақиқлов болалар организмини электромагнит нурланишидан асрайди.

Мобил телефон алоқалари билан фаолият юритувчи компания эса бу тақиқловдан норози.

МУДДАТ ЯНА ОЛТИ ОЙГА ЧЎЗИЛДИ

Германия ҳукумати ўзининг Афғонистондаги тинчлик кучлари контингентининг Афғонистонда бўлиш муддатини яна ярим йилга чўзди. Шу кунларда Афғонистондаги антитеррор операцияларида 1,2 минг немис ҳарбийлари иштирок этмоқда. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, бу ҳарбийларнинг Афғонистонда бўлиш муддати 20 июнда тугаши керак эди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2002 йил 12,19 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автомашина қўйилади:

«ГАЗ-2402» русумли, давлат рақами 04-57 ТНС, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.

2002 йил 9,16,23,30 июнь кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.

Бошланғич баҳоси — 30 860,0 минг сўм.

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1. Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик;
2. Қўшимча тиббий хизмат турларини ташкил этиш;
3. Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш;
4. Санитария ва гигиена талабларига қатъий амал қилиш;
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатиш;
6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 9 июлда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 16 июлда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 23 июлда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 30 июлда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

10 фоизлик гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхталади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.*

Маълумот учун телефонлар: *136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-14.*

www. uzrkmb. com

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 5,12,19,26 июль, 2,9,16,23,30 август, 6,13,20,27 сентябрь кунлари соат 10-00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

№ п/п	Ер майдони жойлашган манзил ва қуриладиган шаҳобча тури	Ер майдонининг сатҳи	Бошланғич нархи (сўм)
	Чилонзор тумани		
1	Х.Турсунқулов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,03 га	5 898 150
	Собир Раҳимов тумани		
2	Шамсутдинов кўчаси, «Қора-қамиш 1/2» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,02 га	3 564 400
	Сирғали тумани		
3	«Сирғали-2» мавзесида гўшт ва сут маҳсулотлари дўкони қуриш учун	0,02 га	3 052 800
4	«Спутник-16» мавзеси, Кўрғонтепа кўчасида минимаркет қуриш учун	0,03 га	3 880 800
5	«Сирғали-8а» мавзеси, Янги Сирғали ва лойиҳадаги Г-40,0 м. кўчалари бурчагида минимаркет қуриш учун	0,02 га	4 475 770
	Мирзо Улуғбек тумани		
6	Паркент кўчасида дўкон қуриш учун	0,016 га	5 512 200
7	Ҳ.Абдуллаев кўчасида дўкон қуриш учун	0,025 га	5 122 675
8	Ҳ.Абдуллаев ва Рахматулин кўчалари кесишувида дўкон қуриш учун	0,024 га	4 992 012
9	«Қорасув-6» мавзеси, Семашко кўчасида автомобиль ювиш шаҳобчаси қуриш учун	0,015 га	602 020
	Шайхонтоҳур тумани		
10	Лойиҳадаги Г-34,0 м. кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,06 га	20 679 000
	Акмал Икромов тумани		
11	Сегизбоев кўчаси, «Чилонзор-23» мавзесида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун	0,23 га	6 080 020
12	Сегизбоев кўчаси, «Чилонзор-23» мавзесида сартарошхона қуриш учун	0,02 га	897 370

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш қимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нарҳининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер майдони бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномаси савдо ўтказилган куни тузилади.

Қимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 402-хона.

Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

ГАЗНИНГ ҲАМ ҲИСОБИ БОР

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАБИИЙ ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИБ, ДАВЛАТ МУЛКИГА, ХАЛҚ ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Ҳамма ишда, ҳар бир соҳада ҳам тартиб-қоидага риоя қилган яхши. Ўшанда адашмайсиз, хато қилмайсиз, изза бўлмайсиз, жавобгарликка тортилиб тавба-тазарру қилиб ўтирмайсиз.

Афсуски, орамизда бу гапларни минг марта эшитса ҳам амал қилмайдиганлар учраб туради. Аслида гап жазода ҳам эмас. Шу юртда яшаб туриб, унинг фуқароси бўла туриб, ўз мамлакати бойликларини ўғирлаган, талон-торож қилган кишиларга қандай баҳо бериш мумкин?.

Вазирлар Маҳкамасининг табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда газ тармоқларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қатор қонунбузарликлар аниқланди. Таҳлиллардан маълум бўлдики, белгиланган тартибни бузаётганлар асосан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар бўлиб чиқаяпти. Улар иссиқхона, новвойхона ва ошхоналарга рухсатсиз, ўзбошимчалик билан газ тармоқларини улаб олишган.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи З.Узоқов ҳовлисидаги иссиқхонага ҳеч бир ҳужжатсиз, тегишли идоралар билан шартнома тузмай газдан фойдаланиш қурилмасини улаб олган экан. Бу билан у «Самарқандгазтаъминот» идораси манфаатларига 46771 сўм зарар етказди. Оқдарё тумани «Зарафшон» ширкат хўжалиги «Темирак» қишлоғида яшовчи Б.Исмоилов, шу хўжаликнинг «Янгиравот» қишлоғида истиқомат қилувчи У.Бекназаров, Лойиш шаҳарчаси Зарафшон кўчасидаги 76-уйда яшовчи Б.Ўриновлар ҳам газдан ноқонуний фойдаланишган. Самарқанд тумани Ф.Қосимова номли жамоа хўжалигида яшовчи П.Фарҳодов 280626 сўмлик, Н.Амриддинов 23385 сўмлик, С.Тўрақулов 95880 сўмлик, Н.Шамсиев 140313 сўмлик ва яна 8 нафар фуқаро табиий газдан ўғринча фойдаланганликлари аниқланди.

Ургут туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалигида яшовчи К.Сиддиқов ҳам қонунсиз иш қилгани фош бўлди. У рухсат олмасдан ёнғинга қарши кураш қоидаларини бузиб, новвойхонасига резина шланглар орқали газ ўтказганлиги маълум бўлди. Шунингдек, Нарпай туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида яшовчи Э.Норбоев ҳам ўз иссиқхонасига ўзбошимчалик билан газ ўтказиб олган экан.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Газ қанча меҳнат, ишчи кучи, харажат ҳисобига хонадонимизга етиб келади, мушкулимизни енгиллаштиради. Газдан тежаб-тергаб фойдаланиш ўрнига уни талон-торож қилишга ўрганган одамларга нима дейиш мумкин? Ахир, газ идораларидан тегишли рухсатнома олиб, вақтида ҳақ тўлаб борилса, қонунга ҳам, виждонга ҳам хилоф иш бўлмайди-ку. Шахсий манфаатлари йўлида ўғринча газдан ноқонуний фойдаланаётганлар газлаштириш идораларига катта иқтисодий зарар етказиш билан бирга ўз ҳаётларини хавф остига қўйишмоқда. Техник хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаган бундай ҳолатлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Текширишлар натижасига кўра, Самарқанд вилоятида қарийб тўрт минг истеъмолчи объектларга газ бериш тўхтатилди. Сабаби оддий. Рухсатсиз, ўзбошимчалик билан газдан фойдаланилган.

Пахтачи тумани «Зарафшон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи З.Шериев, Ш.Назаров, Ш.Жалилов ва Б.Жўраевлар ҳам қонунсиз равишда иссиқхоналарига газ ўтказиб олишганлиги аниқланди.

Умумий овқатланиш ва савдо шаҳобчаларига рухсатсиз ва ўзбошимчалик билан газ тармоқларини улаб олиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Жумладан, Каттақўрғон шаҳар, Дурдона кўчасидаги 17-уйда яшовчи Э.Алиев худди ана шундай қонунсиз хатти-ҳаракати учун ўзини оқлашга баҳона тополмади.

Юқорида номлари қайд этилган фуқароларнинг қонунбузарлик ҳолатлари судда кўрилиб, барчасига нисбатан тегишли жазо қўлланилди.

Кези келганда, «Самарқандгазтаъминот» корхонаси ходимларининг ўзлари томонидан ҳам қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини айтиб ўтмоқ керак. Хусусан, шўъба корхонаси оператори М.Ўлмасова Каттақўрғон туманидаги «Янгиобод» жамоа хўжалигида яшовчи О.Аҳмедовдан 8000 сўм пул олиб, эвазига шу хўжаликда истиқомат қилувчи Ф.Шомуродов, Х.Сувонов ва бошқаларга уйнинг газлаштириш лойиҳа ҳужжатларини қалбакилаштириб берганлигини қандай тушунмоқ керак?

Яна бир гап. Айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари тўлов интизомига риоя қилмасдан фойдаланилган табиий газ ҳаққини «унутиб» қўйишмоқда. Масалан, «Самгазсотиш» шўъба корхонаси «Тойлоқ консерва» ишлаб чиқариш очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан табиий газ етказиб бериш бўйича шартнома тузган эди. Бироқ истеъмолчи шартнома шартини бажармасдан «Самгазсотиш»дан 1550048 сўм қарз бўлиб қолган.

Самарқанд вилояти насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг Каттақўрғон туман бўлими ходимлари ҳам нотўғри йўл тутишган. Улар туман газлаштириш идорасидан рухсат олмасдан ўзбошимчалик билан корхона биноси ва цехларини иситиш учун табиий газдан фойдаланишган. Оқибатда эса 571350 сўм зарар етказилган. Бу ҳолат бўйича тергов олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида газдан фойдаланишда қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан корхона ҳамда ташкилотларга 43 та тақдимнома киритилиб, 364 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 81 нафарига эса интизомий чоралар кўрилди. 12 та жиноий иш очилди. Газдан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг олдини олиш учун янада кескинроқ чоралар кўриш талаб этилади.

Давлат мулкини ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Давлат мулки дегани, бу кўпчиликнинг, халқнинг мулки дегани. Кўпнинг ҳаққига хиёнат қилган қонун олдида ҳам, Яратганнинг олдида ҳам жавоб беришига тўғри келади.

■ **Алишер ЗОКИРОВ, Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

РОЖЕР БЭКОН — ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ ВА ТАБИАТШУНОСИ. 1214-ЙИЛ АТРОФИДА ТУҒИЛИБ, 1294-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

◆ Тажрибада тасдиқланган.

◆ Инсоний ихтироларда ҳеч нима мукаммал эмас ...

◆ Баён этиш аниқ-равшан бўлмоғи лозим; бу тажрибасиз бўла олмайди; бизнинг қўлимизда билишнинг учта воситаси бор: обрў, тафаккур ва тажриба. Одиллиги исботланмаган обрўнинг аҳамияти йўқ: у ўргатмайди, у фақат розиликни талаб қилади. Тафаккур қилганда, биз, одатда, чин далилни ёлғондан, хулосани тажрибада текшириб, фарқлаймиз. Тажрибавий фан бошқа фанларнинг хулосаларини синайди ва текширади, у табиат сирларини ўз кучи билан тадқиқ этади.

◆ Фалсафанинг барча қисмларидан, дастлаб, риёзиёт кашф этилган, зеро, у инсон зоти пайдо бўлиши биланоқ, Нуҳ замонидан ҳам олдинроқ, биринчи бўлиб, яратилган.

◆ Агар биз бошқа фанларда шубҳасиз аниқликка ва бехато ҳақиқатга келмоқчи бўлсак, унда, ҳар қандай билимнинг негизларини риёзиётдан бошламоғимиз зарур.

◆ Доноликнинг муҳим сирлари, бизнинг замонимизда, тўғри услубнинг етишмовчилиги боис, олимлар тўдасига номаълум бўлиб қолмоқда.

◆ Тажрибалар ўтказиш маҳорати барча мушоҳадавий билимлар ва санъатлардан юқори туради, ҳатто, бу илм барча фанларнинг маликасидир.

◆ Сезгидан ақлга томон билиш усули одамларда туғма бўлади, демак-ки, агар сезгилар бўлмасалар, фанлар ҳам йўқ.

◆ Ҳақиқатга эришишнинг тўртта жиддий тўсиқлари мавжуддирлар. Улар барчага ва ҳар бир фозил кишига халақит берадилар ҳамда чинакам оқилликка эришишга аранг йўл берадилар. Чунончи: арзимас ва нолойиқ обрўнинг ибрати, одатларнинг барқарорлиги, билимсиз оломоннинг фикри ва ўз нодонлигини юзаки донолик билан ниқоблаш.

◆ Осондан қийин томон йўл биз учун табиий ...

◆ Нарсаларни билишнинг йўли икки ёқлама: биттаси — фалсафий тажриба, бошқаси — илоҳий илҳомланиш орқали.

◆ Тажрибавий фан — мушоҳадавий фанларнинг султони.

◆ Нодонлик давом этар экан, инсон ёвузликка қарши чора топа олмайди.

ФОМА, АКУИНОЛИК — ИТАЛЬЯН ФАЙЛАСУФИ, КАТОЛИК ЧЕРКОВИНИНГ ЙИРИК ИЛОҲИЁТЧИСИ. 1225-1274-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

◆ Имон масалаларида ҳар қандай кампир барча файласуфлардан кўпроқ билади, негаки, қайси кампир жоннинг боқийлигини билмайди?

◆ Илоҳиёт бошқа фанларга, уларни ўзига нисбатан юқорироқ деб, эргашмайди, бироқ, уларга, ўз хизматкорларига каби, таянади.

◆ Бизнинг ақлимизнинг нариги дунёга муносабати, бамисоли, бойўғли кўзларининг Қуёшга муносабати кабидир.

◆ Одам танлаш эркинлигига эга, негаки, акс ҳолда, маслаҳатлар, ўгитлар, панд-насиҳатлар, ажр ва жазолар маъносиз бўлиб қолардилар.

◆ Ҳали билинмаган нарсани хоҳлаш мумкин эмас.

◆ Адолатсиз бошқарув кўпгина шахслар томонидан амалга оширилганида, буни демократия, деб аташади; кенг омма, ўз кучи ва сон жиҳатдан устунлиги туфайли, бойларни бўйсундирганидагина, халқ ҳукмронлиги қарор топиши мумкин. Шунда бутун халқ ягона мустабид ҳукмдорга айланади.

◆ Номукаммаллик мукаммалликдан олдин бўлади.

◆ Адолат руҳнинг хусусияти. Одамлар унга таяниб, ҳар бир кишининг ҳақига ярашгуликни бажо келтиришга садоқат ва субут билан интиладилар.

◆ Дўстларнинг алоқалари инсоний бахт учун зарурат эмас, чунки, одам Худода ўзининг бутун тўла-тўкис камолотига эга.

◆ Бахтиёрлик ва Худо — айни бир нарса.

◆ Табиатда илоҳиётнинг қиёфаси эмас, балки, изларигина бўладилар. Излар кимнингдир ўтганлигини кўрсатадилар холос, аммо, унинг сифатлари ҳақида тушунча бермайдилар. Худонинг қиёфаси фақат ақлли жонзотларда, инсонда бўлади.

◆ Эзгулик, бу — ҳамма хоҳлайдиган нарса.

АБУ-Л-ФАРАЖ — СУРИЯЛИК ЁЗУВЧИ, ОЛИМ. 1226-1286 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

◆ Беақллиликка нисбатан кўнгилчан бўлиш ҳар бир ақлли кишига хосдир.

◆ Яхши мақтов, бу – сен унга ҳеч қандай яхшилик қилмаган кишидан чиқаётганидир.

УИЛЬЯМ, ОККАМЛИК — ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ. 1281-ЙИЛ АТРОФИДА ТУҒИЛИБ, 1349-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

◆ Айни одамлар ҳокимиятни яратдилар; айни халқ уни ихтиёр этди; айни у уни инъом қилди.

ХУАН МАНУЭЛЬ — ИСПАН МУТАФАККИРИ. 1282-1348-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

◆ Одам эга бўлиши мумкин бўлган энг яхши нарса, бу — билим. Кўплар ниманинг: билмоқ ёки эга бўлмоқ, қўлидан келмоқ ёки қўлида бор бўлмоқнинг яхши эканлигига шубҳа билдирадилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу шубҳани ечиш ниҳоятда оддий. Ахир, қўлдан келишнинг қўлда борини асраши, қўлда борининг эса қўлдан келишни бермаслиги ҳақиқат-ку.

◆ Шармандалик билан муҳтожликда кун кечиргандан кўра, ор-номус ва мартабани ҳимоя қилиб, ўлган афзал.

◆ Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ: унинг ўзи қандай бўлса, сўзлари ва кишилар ўртасидаги мавқеи ҳам худди шундай.

◆ Буюк салтанатларни нафақат жанг майдонларида, балки, фуқароларнинг қалбларида ҳам йўқотадилар ва қўлга киритадилар.

◆ Ким одамларни ўзига эзгу ишлар билан эмас, балки, зўравонлик туфайли бўйсундирса, у уларнинг дилини ўзга хўжайинни ихтиёр этишга мажбурлайди.

◆ Тангрининг иродасига ишониб ва у ҳамма нарсани эзгуликка йўналтиради, деб ҳисоблаб, қўлни қовуштириб ўтириш Парвардигорнинг сабр-тоқатини синаш демакдир. Инсонга шахсий ақл берилган, ва у қаердаки ўзини қутқара билса, у буни қила бериши лозим.

◆ Ўзингизнинг дўстингиз ҳисоблайдиган киши томонидан алданишдан қўрқинг. Ишонинг, унинг барча сўзлари битта мақсадга эга — сизнинг унга қандай муносабатда эканлигингизни билиш. У билан шундай гаплашишга ҳаракат қилингки, токи у сизнинг ихлосмандлигингизга ишонсин ва кўрсинки, сиз унинг нарсаларидан бирон-тасини қўлга киритишга интилмаётирсиз. Агар ушбу икки шартга риоя қилинмаса, ҳеч кимга дўстнинг меҳрини узоқ вақт сақлаб қолиш насиб этмайди.

◆ Адолатсиз хўжайиннинг мурувватидан фойдаланганда кўра, ундан нарироқ бўлган маъқул.

◆ Майда-чуйдаларда ўринли сўзлар яхшидирлар, муҳим нарсаларда эса ўринли ва фойдали ишлар қимматга эгадирлар.

◆ Бунга қандай сабаб бўлмасин, ўз зотингга ўхшамаслик оғир.

◆ Ўйлайдиларки, ақл ва жасорат бир-бирлари билан ўхшашдирлар, аслида эса — улар бир нарсанинг ўзи.

◆ Кўтарилиш қанча юқори бўлса, йиқилиш шунчалик ваҳимали.

◆ Инсоннинг энг яхши бўлаги — дил, бу — унинг энг ёмон бўлаги ҳам.

◆ Ақлли ахмоққа тоқат қилади; аммо, ахмоқ ақллига тоқат қилмайди; аксинча, у уни ҳар қанақасига сиқиштиради.

◆ Ким ҳақиқатан шоҳ бўлса, у шоҳлик қилади; ким кўриниши бўйича шоҳ бўлса, унинг устидан бошқалар шоҳлик қиладилар.

◆ Ким охирини ўйламаса, бошидаёқ янглишади.

◆ Ким сенинг ёрдамингда ўз душманига зарба берса, ишонки, унинг ёрдамида сенга зарба беради.

◆ Муҳим ишларда маслаҳатчига эга бўлмоқ зарур.

◆ Ҳақиқий қудрат улкан билимларга муҳтож бўлади.

■ Русчадан **МУҲАММАД РАҲИМ** ўғли таржимаси

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 76-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
27
40
78
90
16
54
63
84
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
80065169.1

2 ТУР
85
19
11
22
77
30
26
46

45
83
70
21
17
51
87
59
18
65
8
66
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
60013897.1

3 ТУР
60
5
49
42

57
79
82
3
67
53
1
76
39
7
86
9
13
36
12
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
50016366.2

4 ТУР
52
89

32
34
25
48
81
10
88
80
56
69
41
38
50
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
30054206.3
50026569.2

5 ТУР
14
73

Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20116367.3
80027580.1

6 ТУР
71
37
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20009093.3
50063423.2
60032279.2
20073251.3
40056715.1

7 ТУР
15
Сони: 1
Телевизор
Чипталар рақами
20006103.1
20018014.3
40018719.3
90012338.2

8 ТУР
23

Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
90033776.1

9 ТУР
24
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
20006103.1
20018014.3
10107360.3

10 ТУР
29
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
20006103.1
20018014.3
Сони: 43

11 ТУР
2
Сони: 6
Сумма: 1500

12 ТУР
31
Сони: 6
Сумма: 1400

13 ТУР
28
Сони: 6
Сумма: 1300

14 ТУР
35
Сони: 14
Сумма: 1200

15 ТУР
68
Сони: 35
Сумма: 1100

16 ТУР
44
Сони: 43

Сумма: 1000
Сони: 778

17 ТУР
61
Сони: 75
Сумма: 900

18 ТУР
58
Сони: 124
Сумма: 800

19 ТУР
20
Сони: 166
Сумма: 700

20 ТУР
6
Сони: 328
Сумма: 600

21 ТУР
72
Сони: 512
Сумма: 500

22 ТУР
74

Сумма: 400

23 ТУР
43
Сони: 1218
Сумма: 300

24 ТУР
33
Сони: 1618
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 67
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
4, 47, 55, 62, 64, 75

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 13 июндаги 77-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5-10 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,

Қолган турларда пул ютуқлари.
Чипта баҳоси – 300 сўм

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 20 июндаги 78-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереси чипталаринни газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Диққат янгилик! Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-чи турдан 10-чи тургача ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади.
Ўйнанг!!! Бахтингизни қўлдан бой берманг!

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

СПОРТ

ЎЗБЕК КУРАШИ — ОКЕАНИЯ МИНТАҚАСИДА!

Халқаро Кураш ассоциациясининг Тошкентдаги штаб-квартирасига олис Янги Зеландиядан мактуб келди. Окланд шаҳрида истиқомат қилувчи йирик спорт мутахассиси Йохан Бошоф ХКА президенти Комил Юсупов номига йўллаган ушбу мактубда курашни халқаро майдонда ривожлантириш ҳаракатига қўшилишини билдирган. У ўз мамлакатидан ташқари Океания минтақасидаги Папуа, Янги Гвинея, Гаити, Вануату, Тонго, Саома, Норфолс ороллари, Гуам, Фиджи каби давлатлар ва Тинч океани ҳавзасидаги бошқа жойларда ҳам курашни тарғиб этиш ниятини таъкидлаган.

Энг қувонарлиси, жаноб Бошоф ХКАнинг ушбу қитъадаги бўлинмаси — Океания Кураш конфедерациясини ташкил этишга киришган. Агар ушбу хайрли иш амалга ошса, Халқаро Кураш ассоциацияси ер юзининг барча қитъалари бўйича ўз бўлинмаларига эга бўлади. Айни пайтда курашнинг Европа, Осиё, Африка ва Пан Америка федерацияларига қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Янги зеландиялик полвонлар Океания қитъаси номидан илк бор шу йил 30 август — 1 сентябрь кунлари Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бўлиб ўтадиган IV жаҳон чемпионатида курашга тушадилар.

■ ХКА матбуот хизмати

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«Ғаллаорол парранда» очиқ акциядорлик жамияти 2001 йил молиявий натижалари якуни бўйича умумий йиғилиш ўтказилашига маълум қилади.

Умумий мажлис кун тартиби:

1. 2001 йил якуни бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.

2. 2002 йил молиявий натижалар ҳисоботи, аудит текшируви ва дивидендни тасдиқлаш.

3. Жамиятни ривожлантириш бўйича 2002 йилга ишлаб чиқариш режалари.

4. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини сайлаш.

Умумий йиғилиш 29 июнь куни соат 17.00 да жамият мажлислар залида бўлиб ўтади.

«Ғаллаорол парранда» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши

«Дон-нон» очиқ акциядорлик жамияти даҳлдор шахсларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини эълон қилади:

	овоз берувчи акциялар сони	Низом фондидаги % ҳисобида улуш
1. Нуралиев Т.Н.	461	3.546
2. Сулейманов Т. Г.	30	0.231
3. Ким Л.М.	—	—
4. Усмонова М.	50	0.38
5. Джурабаева Д.	40	0.30
6. Қўйбоқаров С. (давлат улуши)	3250	25
7. Абдуллаева М.	60	0.46
8. Турсунбоева К.	10	0.077

«ДОН-НОН» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ташкилот алоқа, тиббиёт ва бошқа соҳага таалуқли мосламаларни сотиб олиш юзасидан

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. УПАТЗ «Алмаз» русумли 300 рақамга эга АТС.
2. Стоматология мосламаси (Италия, Германия).
3. 100 квт.ли дизель станцияси. (Автоматик усулда ҳаракатланадиган).

Тендер эълон қилинган муддатдан бошлаб 15 кун мобайнида давом этади. Ташкилот тавсия этилаётган маҳсулотларнинг сифати, чиндамлилиги ва ўртача бозор нархида бўлишини таъминлайди.

Телефон: 144-17-63, 144-74-18

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази ОАЖ «Эски жўва» универсал бозорининг «Гўшт ва гўшт маҳсулотлари» мажмуасида жойлашган 23 та савдо дўконлари ижара ҳуқуқини сотиш бўйича 2002 йил 9, 16, 23, 30 июль кунлари соат 10.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

Кимошди савдоларига қуйидаги савдо шаҳобчаларининг ижара ҳуқуқи қўйилади:

Т/р	Савдо шаҳобчаларининг сони	Бир савдо дўконининг умумий майдони, кв.м.	Шаҳобча тури	Бир ойлик ижара ҳақи, сўм	Ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи, сўм	Гаров пули миқдори, сўм
1	3	13	Гўшт савдо дўкони	70000-80000	3 млн.	300000
2	8	14	Гўшт савдо дўкони	80000-90000	4 млн.	400000
3	12	15	Гўшт савдо дўкони	90000-100000	5 млн.	500000

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар юқорида кўрсатилган миқдорда гаров пули тўлашлари шарт. Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби, ижара шартлари ва ариза топшириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA